

2023 йил «14 июн» даги  
№ 89 сонли Бўйрукка  
1-Илова



## ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ ВА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СИЁСАТИ

**БАТ Ўзбекистон Компанияси** хавфсизлик техникаси ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича фаолиятни бошқаришда ISO 45001 тамойилларига асосланган ҳолда олиб боради.

Истеъмол маҳсулотларининг етакчи ишлаб чиқарувчиси сифатида биз ходимларимиз, пудратчиларимиз, ташриф буюрувчиларимиз ва бошқа манфаатдор томонларнинг саломатлиги, хавфсизлиги ва фаравонлиги муҳимлигини тушунамиз. Шундай қилиб, ушбу сиёсатга мувофиқ, биз жароҳатлар ва касалликларнинг олдини олишга интиламиз ва барча иш жойларида нол баҳтсиз ҳодисаларга эришамиз.

### Қонунчилик талабларига амал қилиш

**БАТ Ўзбекистон** меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни бошқаришни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларнинг амалдаги талабларига, шунингдек компанияянинг ички стандартларига, қайси бири қатъйироқ бўлса, шунга амал қиласди;

### Хавфсизлик ва ходимларни ўқитиш

**БАТ Ўзбекистон** барча ходимлар (шу жумладан пудратчилар ва ташриф буюрувчилар) учун меҳнат шароитлари, асбоб ускуналар ва жараёнлар хавфсизлигини таъминлайди ва қўллаб қувватлайди; меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик соҳаси бўйича тегишли ўқув курсларидан ўтишларини таъминлайди. Бизнинг ёндашувимиз иш жойидаги саломатлик ва хавфсизлик хавфларини самарали назорат қилиш учун хавфни аниқлаш вау ни баҳолашга асосланади.

### Жавобгарлик

**БАТ Ўзбекистон** Ўзбекистондаги етакчи компаниялардан бир бўлган ҳолда бизнесимизни муваффақиятли олиб боришда саломатлик ва хавфсизлик ҳамда компаниянинг барча ходимлари (шу жумладан пудратчилар ва ташриф буюрувчилар) саломатлиги муҳимлигини тан олади. Ташикотнинг барча даражаларидағи ҳамма ходимлар нафақат ўзларининг, балки иш жойидаги бошқаларнинг хавфсизлиги учун ҳам жавобгар бўлишлари ва барча соғлик ва хавфсизлик масалаларида Компания билан тўлиқ ҳамкорлик қилишлари керак. Компания ушбу Сиёсатни амалга ошириш учун зарур ресурсларни ажратиш ва малакали кадрлар билан таъминлаш ва компания фаолиятининг унинг талабларига мувофиқлигини мунтазам равишда текширишни ўз зиммасига олади.

### Ходимларни хабардор қилиш ва жалб қилиш

**БАТ Ўзбекистон** ходимларга ва манфаатдор томонларга меҳнатни муҳофazа қилиш ва хавфсизлик соҳасида компания сиёсати ва тартиблари ҳақида маълумот беради. Мажбуриятларимизни амалга ошириш бўйича тадбирлар, амалий кўрсатмалар ва тасдиқланган қоидалар ҳамда қарорларга асосланиб, тегишли ходимлар билан маслаҳатлашишни ўз ичига олади.

Биз ҳар бир ходимнинг (жумладан, пудратчилар ва ташриф буюрувчиларнинг) саломатлик ва хавфсизликнинг энг юқори стандартларини тарғиб қилиш, эришиш ва қуллаб қувватлашда тегишли фаол иштирокига таянамиз.

### Доимий такомиллаштириш

**БАТ Ўзбекистон** жароҳатлар ва касб касалликларини олдини олишга, шунингдек, ҳар йили мақсад ва вазифаларни белгилаш ҳамда режалаштириш, шу жумладан асосий фаолият кўрсаткичларини текшириш ва ўлчаш йўли билан меҳнатни муҳофazа қилиш бўйича фаолиятни ички текширув ва

аудитлар ёрдамида мөхнатни муҳофаза қилишни ва хавфсизлик техникасини доимий равишда тақомиллаштиришга интилади.

**Сиёсатни қайта кўриб чиқиш**


Мазкур сиёсат Компания раҳбарияти томонидан керак бўлганда қайта кўриб чиқилади ва янгиланади, лекин мақсадларимизга эришишни таъминлаш учун камида 2 йилда бир марта. Янги таҳрир эълон қилиниши ва барча ходимлар ва манфаатдор томонларга етказилиши керак.

**ТЕМУР ГАДАЙБАЕВ**




БАТ Ўзбекистон Бош директори

**ШЕХРОЗ НАРЗИКУЛОВ**



БАТ Ўзбекистон Самарқанд филиали  
Директори в.б.

**ЗАФАРЖОН УВАЙДОВ**



БАТ Ўзбекистон Ургут филиали  
Директори



## ЭКОЛОГИЯ (АТРОФ-МУХИТ) СИЁСАТИ

**БАТ Ўзбекистон Компанияси** экологик ва ижтимоий масъулият тамойилларига асосланиб Истеъмолчи талабларини қондиришга интилади. Барқарор ривожланиш компания стратегиясининг асосларидан бири бўлиб, экологик масъулият эса умумий бизнес стратегиямизнинг муҳим элементидир.

**БАТ Ўзбекистон** ISO 14001 ва AWS тамойилларига мувофиқ атроф-мухитни бошқаришни таъминлайди ва кўйидаги мажбуриятларни олади:

- Амалдаги атроф-мухит қонунлари ва норматив хужжатларига риоя қилиш. Биз шунингдек, мувофиқликни назорат қилиш учун бошқа энг яхши атроф-мухит ва сувдан оқилона фойдаланишш амалиётларини жорий қиласиз.
- Атроф-мухитга таъсирларни тушунган ҳолда, уларни минимал даражага етказиш бўйича режаларни фаол равишда жорий қилиш.
- Атроф-мухитни муҳофаза қилиш фаолиятини сиёсатимиз талаблари ва ўрнатилган тартибларни, энг яхши тажрибаларни қўллаган ҳолда, ҳамда ички текширув ва аудитлар ўтказиш орқали бошқариш.
- Белгиланган муҳим кўрсаткичлар орқали фаолиятимизни назорат қилиб бориш.
- Компания ходимларини ўқишини таъминлаш ва БАТ Гурӯҳи бўйича тавсия этилган энг илғор тажрибалар билан ўзаро бўлишиш.
- Экологик талабларни маҳсулотларимизни ишлаб чиқариш жараёни ҳамда Бизнес Барқарорлигини Баҳолаш (SBA) ва Маҳсулотнинг Ҳаёт Циклини Тахлилига (PLA) киритиш.
- Экология бўйича фаолиятни бошқаришнинг энг яхши тамойилларига доимо амал қилувчи пудратчи ва таъминотчилар билан ҳамкорлик қилиш.
- Атроф-мухитни муҳофаза қилишда муҳим бизнес ҳамкорлар, шу жумладан ҳокимият органлари билан очиқ муроқот йўли асосида пайдо бўлган саволлар ва технологик инновацияларни янада яхшилаш мақсадида ҳамкорлик қилиш.

### Асосий эътибор тўртта устивор йўналишга қаратилган:

#### Тамаки баргини қайта ишлаш, Ишлаб чиқариш ва Етказиб беришдаги интилишларимиз:

- Инвестициялар, лойихалар ва тадбирларни жорий этиш орқали атроф-мухитга зарарли моддаларни чиқариш/ташлашларни камайтиришга қаратилган мақсадларни белгилаш
- Ташиб ва омборхона операциялари учун энергиядан самарали фойдаланиш ечимларига эътибор қаратиш.
- Тамаки етиштириш ва ишлаб чиқариш жараёнларида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш.

#### Иқлим ўзгаришига қарши кураш:

- Фаолиятимизда углерод нейтраллигига эришишга эътибор қаратиш;
- Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда энергия таъминотини ошириш бўйича лойиҳаларни давом эттирамиз.

#### Сув ресурсларини бошқаришда, қаердамиш:

- Корхоналаримизда сувдан қайта фойдаланишни кўпайтириш орқали тортиб олинадиган сув миқдорини камайтирамиз;
- Барқарор сувдан фойдаланишни тарғиб қилувчи ва барча манбаатдор томонларни ўз ичига олган шаффофф усуlda сув ресурсларини бошқаришда «Сув ресурсларини рационал бошқариш, барқарор сув баланси, сув сифати етарли даражада, юқори қийматга эга бўлган сув худудларини

муҳофаза қилиш, шунингдек сув санитарияси ва гигиенаси ҳамма учун» бўлган масъулиятни ўз зиммамизга олиш.

**Чиқиндиларни/ифлосланишни олдини олишда, биз нимага интиламиз:**

- Корхоналаримизда чиқиндилар пайдо бўлишини камайтириш;
- Чиқиндилар чиқиндиҳоналарга олиб чиқмасликка ҳаракат қилиш.

**Биологик хилма-хилликни ва ўрмонларни муҳофаза қилиш**

- Ҳудудларимизда ноқонуний дараҳт кешишни олдини олиш ва корхона ҳудудларида мутназам равишда дараҳт экиш ва кўкламлаштириш устида иш олиб бориш.
- Табиий капитални сақлаш, фаровонликни таъминлашга ёрдам бериш ва фермерларнинг иқлим ўзгаришига чидамлилигини ошириш учун барқарор экологияга асосланган деҳқончилик амалиётларини ишлаб чиқиш, илгари суриш ва жорий этиш бўйича фермерларимиз билан ҳамкорликни давом эттириш.
- Тамаки етказиб бериш занжиримиз глобал ёки миллий аҳамиятга эга бўлган биохилма-хиллик ҳудудларига яқин жойларда фаолият кўрсатса, бу йўлда бизни қуллаб-қувватлаш учун ташқи ҳамкорлар билан ҳамкорликда юмшатиш иерархиясини (олдини олиш, минималлаштириш, тиклаш ва компенсация) қўллаш.

**Хавфсизлик ва ходимларни ўқитиш**

**БАТ Ўзбекистон** ўз ходимларини (шу жумладан пурратчилар ва ташриф буюрувчиларни) атроф-муҳит муҳофазасида хавфсиз амалиётлардан фойдаланишга ўргатиш ва раҳбатлантириш мажбуриятини олади.

**Жавобгарлик**

**БАТ Ўзбекистон** ўзининг бевосита фаолиятида ҳам, шунингдек бутун компания бўйича ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилишда масъулиятни ўз зиммасига олади.


**Хабардор этиш**

**БАТ Ўзбекистон** ўз ходимларига (шу жумладан пурратчилар ва ташриф буюрувчиларга) атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган компания сиёсати ва тартиблари ҳақида маълумот тақдим этиб боради.

**Сиёсатни қайта кўриб чиқиш**


Мазкур сиёсат Компания раҳбарияти томонидан керак бўлганда қайта кўриб чиқилади ва янгиланади, лекин мақсадларимизга эришишни таъминлаш учун камида 2 йилда бир марта. Янги таҳрир эълон қилиниши ва барча ходимлар ва манфаатдор томонларга етказилиши керак.

ТЕМУР ГАДАЙБАЕВ




БАТ Ўзбекистон Бош директори

ШЕХРОЗ НАРЗИКУЛОВ



БАТ Ўзбекистон Самарқанд филиали  
Директори в.б.

ЗАФАРЖОН УБАЙДОВ



БАТ Ўзбекистон Ургут филиали  
Директори